2001 ЙИЛ - ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ ВАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 8 декабр, жума №175 (1007)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ XXI АСРНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИНИ МАМЛАКАТИМИЗДА ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

«Бунинг амалий маъноси шундан иборатки, биз Соғлом авлод йили деб номлаган 2000 йил мобайнида қилган барча эзгу ва савобли ишларимизни янги йилда ҳам давом эттиришимиз зарур», деди давлатимиз раҳбари 7 декабр куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Конституциясининг саккиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида.

Мазкур йиғилишга юртимизнинг ўзга кўринган сиёсий арбоблари, шаҳар жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Конституциясининг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида тўхталар экан, Бош қомус фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишда асосий мезон эканини таъкидлади.

Ҳақиқатан, ҳар бир мустақил ва демократик давлатда Конституция одамларнинг бош ҳимоячиси саналади. У фуқароларни ҳар қандай ташқи ва ички таҳдидлардан, қонунбузарликлардан, адолатсизликлардан асрайди, уларнинг тинч ва фаровон яшаши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўтган саккиз йил Ўзбекистон Конституцияси халқ манфаатларини ҳимоя этишга қодир, демократик тамойилларга тўла жавоб берувчи адолатли қонун ҳужжати эканини тўла исботлади. Халқимизга ер ва мулкни қайтарган, тадбиркорлик ва бизнес учун кенг йўл очган, сўнгги йилларда мамлакатимиз тинчлигига тажовуз қилган турли террорчилик ҳаракатларидан одамларни ҳимоя қилган, аввало, Конституциямиздир.

Конституция фуқароларга ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга, улар зиммасига турли бурч ҳамда масъулиятлар ҳам юклайди. Бурч дегани, аввало, Конституцияни ўқиб-ўрганишдан бошланади. Бош қонуннинг маъно-мазмунини англамайдиган фуқаро жамиятда ўз ҳаққини билмайдиган, ҳуқуқий онгсиз томошабинга айланиб қолиши турган гап.

Ислом Каримов ўз нутқида масаланинг айни жиҳатига эътибор қаратди. «Минг афсуски - бу сир эмас - кўпчилигимиз Конституциянинг маъно-мазмунини яхши билмаймиз, уни синчиклаб ўрганмаймиз. Ваҳоланки, агар Конституциямизнинг моҳиятига кириб борсак, мағзини чақсак, бугун олдимизда турган кўпгина саволларга, муҳим муаммоларни ечишда жавоб топишимиз мумкин,» деди Президент.

Ислом Каримов мамлакатимиз Бош қонуни болалар боғчаларида ўргатилиши, мактаб ва олий ўқув юртларида алоҳида дарс сифатида ўқитилиши лозим эканини ҳам таъкидлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисининг ўринбосари Фарруҳа Муҳиддинова Конституциянинг фуқаролар ҳаётидаги ўрни, Ўзбекистонда қонун устуворлигини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида маъруза қилди.

Тантанали маросим санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

Фарҳод АРЗИЕВ (ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Аввало, барчангизни, бутун халқимизни бугунги қутлуғ сана -ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг саккиз йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, рухсатингиз билан, Конституциямиз ҳақидаги баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчи эдим.

Қадрли дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, Конституциямизнинг ҳаётимиз ривожида, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида кундан-кунга аҳамияти ортиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Мустақил тараққиёт ва истиқлол йўлида, янги жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида қанча кўп тажрибага эга бўлаётган эканмиз, илгари учрамаган оғир, ўта мураккаб синов ва ҳаёт тўфонларини енгиб, пешона теримизни тўкиб, янги марраларни қўлга киритиб эзгу орзу-ниятларимиз сари қадам қўяётган эканмиз, ҳеч шубҳасиз - бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ - барчамиз учун муқаддас ва азиз бўлмиш Ўзбекистон заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган инсонлар учун муҳим бир ҳақиқат тобора аниқ ва равшан бўлиб бормоқда.

Бу ҳақиқат шундан иборатки, эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизида Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз мужассамдир.

Конституциянинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирар эканмиз, мана шу фурсатдан фойдаланиб, эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман.

Маълумки, дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур этолмайди.

Бошқача айтганда, улар кундалик ҳаётида Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез мурожаат қилиб туради. Конституцияга ўзининг таянчи ва суянчи деб қарайди.

Минг афсуски - бу сир эмас - кўпчилигимиз Конституциянинг маъно-мазмунини яхши билмаймиз, уни синчиклаб ўрганмаймиз. Ваҳоланки, агар Конституциямизнинг моҳиятига кириб борсак, мағзини чақсак, бугун олдимизда турган кўпгина саволларга муҳим муаммоларни ечишда жавоб топишимиз мумкин.

Бу фикрнинг тасдиғи тариқасида бир мисол келтирмоқчиман.

Шўро давридаги Ўзбекистон ССР Конституциясида инсон манфаатларидан давлат манфаатларининг устунлиги қонунлаштириб қўйилган эди.

Бугунги Асосий Қонунимизда эса давлат ҳам, жамият ҳам аввало инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган.

Ва биз ўз ички ва ташқи сиёсатимизни, барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни ана шу тамойил негизида олиб боришни ўзимизнинг энг муҳим мақсадимиз қилиб қўйганмиз.

Агарки мана шу устувор тамойил ҳаётимизда, авваламбор, давлат ходимлари, мансаб курсисида ўтирганларнинг хаёлида, онгида, амалий кундалик фаолиятида ўз аксини топганида эди, шу принцип, шу тамойил уларнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетганида эди, яъни ўзини мен ҳукмдор эмасман, балки менга ишонч билдириб танлаган одамларнинг хизматчисиман, деб ҳис қилганида эди, бугунги ҳаётимизда қанча бемаза, номақбул ишларга чек қўйилган бўлур эди.

Афсуски, Конституциямизнинг қабул қилинганига 8 йил тўлаётган ҳозирги кунда ҳам бу мақсадга эришишимиз оғир кечаяпти, десак хато бўлмайди.

Энг ёмони, энг ачинарли томони шуки, аксарият мансабда ўтирганлар ўз вазифасини фақатгина ўзини бошқалардан устун қўйиш, буйруқ бериш, бир сўз билан айтганда, ҳукмдорлик қилишда, деб билади.

Бу салбий ҳолат - бугунги ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқатидир.

Ёки мулкчилик, мулкка муносабат масаласини олайлик.

Эски Конституцияга биноан ишлаб чиқариш воситалари, жамики моддий бойликлар давлат мулки ҳисобланарди. Фуқароларнинг хусусий мулкка эга

(Давоми 2-бетда).

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимизда ҳар йили эркимиз ва озодлигимиз рамзи - Конституция қабул қилинган кун - 8 декабр - умумхалқ байрами арафасида халқимизнинг турли соҳаларда ибрат кўрсатиб меҳнат қилган вакилларига Ватан мукофотларини топшириш яхши анъанага айланган.

Истиқлолимизнинг тўққиз йиллиги байрами муносабати билан эл-юрт олдидаги улкан хизматлари, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки, миллий мафкура ғояларини рўёбга чиқаришдаги фидойилиги, ватанпарварлиги, юртимизнинг халқаро нуфузини янада ошириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўз ижодий, илмий фаолияти, ҳалол меҳнати билан турли соҳаларда кўп йиллардан буён самарали хизмат қилиб келаётгани учун ҳамюртларимиздан катта бир гуруҳи мамлакатимизнинг юксак орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланган эди.

7 декабр куни Оқсарой қароргоҳида мазкур мукофотларни тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

- Бугун кўпмиллатли халқимиз ўзининг бунёдкорлик ва яратувчилик меҳнати билан ўз ҳаётини янада обод ва фаровон этиш йўлида бутун дунё эътироф этаётган юксак натижаларга эришмоқда,- деди Йўлбошчимиз. - Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик тарихи давомида қўйган қадамларимиз, амалга оширган ишларимиз туфайли юртимиз, шаҳар-қишлоқларимизнинг янгича чирой очиб бораётгани, кўплаб замонавий иншоотлар ва корхоналар, каттакатта қурилишлар, равон йўллар барпо этилаётгани, энг муҳими, одамларимизнинг дунёқараши, меҳнатга муносабати тубдан ўзгараётгани яққол кўзга ташланмоқда.

Минг-минглаб юртдошларимиз ўзининг фидойи меҳнати ва халққа хизмати билан, Ватанимиз равнақи, юртимиз тараққиёти, осмонимиз мусаффолиги учун курашиш йўлида, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этишда, унинг обрў-эътиборини юксалтириш борасида эл-юрт ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари бунинг ифодаси бугунги кунда ҳаётимизнинг турли жабҳаларида - иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маданий соҳаларида бўладими, илму фан, ижод ва санъат дунёсидами, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдами - барчабарчасида намоён бўлаётганини таъкидлади.

Юртбошимиз, эл-юрт эътибори ва она-Ватанимизнинг мукофотларига сазовор бўлганлар ҳақида гапирар экан, биз, аввало, ўз юксак ҳурмат-эҳтиромимизни мамлакатимизнинг пахтазору ғаллазорлари бағрида она заминга меҳрини бериб, туну кун меҳнат қилаётган, дастурхонимиз тўкинлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган

(Давоми 2-бетда).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 декабр куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Янги Мустақил Давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестановични қабул қилди.

С.Сестанович Ўзбекистон-АҚШ ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг АҚШ томонидан ҳамраисидир. Икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётганида унинг ҳам ҳиссаси бор. Унинг Ўзбекистонга навбатдаги ташрифига давлатларимиз ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг давоми сифатида қараш мумкин.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро савдо -иқтисодий ҳамкорлик ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

АҚШ давлат котибининг Янги Мустақил Давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович Ўзбекистонга ташрифи якунларига бағишлаб маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказди.

- Ўзбекистонга қилган навбатдаги ташрифим кутилганидан ҳам самарали бўлди, - деди учрашувда С.Сестанович. - Ташриф доирасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, ташқи ишлар вазири А.Комилов ва бошқа расмий кишилар билан музокаралар ўтказилди. Учрашувларда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари билан боғлиқ кўплаб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистонга ташриф АҚШда янги ҳукумат тузиш жараёни кечаётган бир пайтга тўғри келди. С.Сестанович янги ҳукумат ҳам Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришига ишонч билдирди. Зеро, музокараларда муҳокама қилинган масалалар бўйича икки мамлакат қарашлари якдил эканлиги яна бир карра аён бўлди, деди меҳмон.

(ЎзА).

ҲИММАТ

Республика «Камолот» жамғармаси ҳомийлигида Юнусобод туманининг «Иттифоқ» маҳалласи гузарида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб ўтказилган тадбир йиғилганларда яхши таассурот қолдирди. «Ногирон болалар соғлиғини қайта тиклаш ва бирлаштириш» КРИДИ жамияти аъзолари — 250 нафар меҳрга муҳтож ёшлар учун дастурхон ёзди. Саховатпеша ҳомийлар томонидан ҳар бир болага совғалар улашилди. Швейцария ва Канаданинг элчихоналари вакиллари 6 та компьютер ва тиббиёт асбоб-анжомларини ҳадя этдилар. Тадбир ниҳоясида ўғил-қизлар хурсандчиликларини шеър, қўшиқ ҳамда жозибали рақслари орқали намойиш этдилар.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

АДОЛАТ ҚОМУСИ

Биз азал-азалдан ўз фикри, ўз истиқлоли учун курашиб яшаган, илм-фан, маърифат борасида ўрта асрлардаёқ дунёга танилган бир давлат, улуғ ва катта бир миллатмиз! Бирок афсуслар бўлсинким, жафокаш халкимиз ўз тарихида кўплаб тазйиқ ва қатағонларни бошидан кечирди. Фахрийларимиз ўттизинчи йилларни афсуснадомат ила эслашади.

Уларнинг таъкидлашларича, бирон кишининг уйидан араб алифбосидаги китоб топилса бормми, ўша заҳоти «панисломист» сифатида айблаб, хўрлаб, ҳибсга олишган. Шу тариқа қанчадан-қанча умри азизлар қатағонга учраган. Боз устига, биз етмиш йилдан ортиқ вақт мобайнида давлатга қарам бўлиб, сиғиниб яшадик. Мамлакатдаги барча бойликлар эгаси давлат, деб эътироф этиб келинди. Энг ёмони, ҳамиша давлат манфаати биринчи ўринда бўлди. Конституцияда фуқаро ва шахс манфаати ўз ифодасини топмади.

Амалдаги Конституциямизда эса фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний тарзда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Том маънода Адолат Қомуси сифатида эътироф этилган бахт китоби, толе офтоби фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзида сингдирган. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир шахс фуқаролик ҳуқуқига эга.

Равшанки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Президентимиз ибораси билан айтганда, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир. Ўзбекистон Конституцияси халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Айни пайтда у ўзида умумбашарий, умуминсоний қадриятларни мужассамлаштирган. Асосий Қомусимиз дунёдаги энг ривожланган давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Шунинг учун ҳам у жаҳондаги ҳар қандай манаман деган давлат Конституцияси билан бемалол тенглаша олади.

Мустақиллик ғояси ва руҳи билан суғорилган Конституциямиз жамият ҳаётининг пойдевори, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликнинг асосидир. Давлатимиз, Президентимиз томонидан иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий соҳаларда, бозорга ўтишда амалга оширилаётган барча ишлар миллатлараро ижтимоий тотувликни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ва у ўзининг ажойиб самараларини бермоқда.

(Давоми 3-бетда).

АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗДА бўлган юрт ободдир

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади... (65-модда)

Жонажон Ўзбекистонимиз истиқлолга эришгач, энг азиз инсон — оналарга эътибор, ғамхўрлик кучайди. Аёлларни эъзозлаш эса келажакка масъулият билан қараш демакдир.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ ишловчи хотин-қизларга қатор имтиёзлар берилди. Фарзандлари тарбиясига кўпроқ вақт ажратишларига имконият яратилди ва бу иш халқ хўжалигининг барча тармоқларида давом эттирилмоқда. Қайси корхона, хўжалик ёки муассасага борманг, маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида биринчи навбатда аёллар учун зарур шарт-шароит муҳайё этиш, улар саломатлигини яхшилаш, меҳнат таътилини кўнгилли ўтказишларига эришиш масалалари алоҳида кўзда тутилганлигининг шоҳиди бўласиз. 1998 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилинганлиги хотин-қизларга эътиборни янада оширди. Ҳозирда бизнинг Наманган шаҳридаги туғруқхоналар, Аёллар маслаҳатхоналари замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланган. Шунга ўхшаш тадбирлар ҳаётийлигини таъминлашда касаба уюшма фаоллари бош-қош бўлишаётир . Бундай ғамхўрлик ва мурувватдан мамнун бўлган хотин-қизларимиз Ватан бойлигини янада кўпайтиришга муносиб улушларини қўшишга ҳаракат қилишаётир. Бинобарин, аёллари эъзозда бўлган юрт ҳамиша ободдир.

Ойшахон ҚЎЧҚОРОВА,
Наманган шаҳридаги марказий туғруқхона бўлими мудири.

ҲОМИЙЛАР ҲАДЯСИ

Қарши туманидаги Собир Раҳимов номли хўжаликнинг Лаганди қишлоғида яшовчи Наргиза Ҳайдаровага Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни арафасида ногиронлар аравачаси топширилди. Уни топширишда Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси ўринбосари Сабоҳат Мирова, Қарши туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Азим Ҳурромов иштирок этдилар.

Шунингдек, тумандаги «Янги боғ» хўжалигида истиқомат қилувчи Манноп Аҳадов ҳам янги аравачали бўлди. Ҳомий ташкилотлар вакиллари тумандаги 238 нафар ёлғиз қариялар ҳолидан ҳам хабар олиб, совға-саломлар топширишди. Ногирон ва кексаларга жами 2,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ш.СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

бўлиши, бойлик орттириши қатъиян ман қилинган эди. Бунинг оқибати нималарга, қандай натижаларга олиб келгани барчамизга маълум.

Шу даврни бугун эслайдиган бўлсак, ҳар қайсимиз кечирган не-не қийинчиликлар, аввало, одамларнинг, инсонларнинг қадр-қиммати таҳқирлангани ва хўрлангани кўз ўнгимизга келади.

Демократик Ўзбекистон Конституциясида эса «ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» экани, Ўзбекистон иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланиши, унинг негизини хилма-хил мулк шакллари ташкил этиши, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуққа эга эканига кафолат берилди. Ишбилармонлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилди ва мулкдорлар табақасини вужудга келтириш тамойиллари ишлаб чиқилди.

Бу қоида Асосий Қонунимизнинг дунёвий тараққиёт талабларига тўла жавоб бера олишини кўрсатибгина қолмай, унинг узоқни кўзлаб, мукаммал яратилганини ҳам исботлайди.

Лекин яна бир бор шуни таъкидлашга мажбурман. Хусусий мулкнинг ривожланишига, аввало, тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнес эгаларига кенг йўл очиб беришда, уларни нафақат миллий бойлик яратишда ва уни зиёда этишда, балки ҳар қайси оилани боқишда асосий манба, омил бўлишига, бизнинг мана шундай сиёсатимизни тушуниш, англаш ва амалга ошириш йўлида қанча-қанча тўсиқ ва ғовлар, товламачилик ва порахўрлик иллатлари тўғаноқ бўлиб турганини барчамиз кундалик ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Бу ҳам бугунги ҳаётимизнинг яна бир аччиқ ҳақиқатидир.

Асосий Қомусимизнинг ҳаётий муҳим ўрни ва аҳамияти ҳақида яна бир мисол келтирмоқчиман.

Асосий Қонунимизнинг 57-моддасида: «Конституцион тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйувчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига таҳдид солувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти, махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади», деб қатъий кўрсатилган.

Келинг, азиз дўстлар, ўзимизча яна бир фараз қилиб кўрайлик.

Бизнинг ҳаётимизга ҳар томонлама таҳдид соладиган бундай хавф-хатарларнинг олдини олишга, шу каби нохуш ҳолатларнинг ҳаётимизга киришига йўл қўймасликка қаратилган ушбу конституцион нормаларни ўз вақтида қабул қилмаганимизда бугунги кунимизда қандай балоқазоларга дучор бўлишимизни ҳар қайси ақли расо одам англаб етади, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, эски мустабид тузумдан озод ва эркин ҳаёт сари ўтиш даврини бошимиздан кечирар эканмиз, шу ўта оғир ва мураккаб йўлда дуч келадиган тўсиқ ва синовларни енгиб ўтишда, барча муаммоларимизнинг қонуний ечимини топишда Конституциямиз кундалик ҳаётимизда асосий ва мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Мана шу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Бугун барчамизга яхши аёнки, жамият ҳаётини ўзгартириш, эски, бизга халақит бераётган асоратлардан воз кечиш, олдимизга мақсад қилиб қўйган эркин, демократик тамойилларга асосланган ҳаётга эришиш бир-икки йилда бўладиган осон иш эмас. Буни кўпгина ривожланган, тараққиёт йўлида фаровонликка эришган давлатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида - ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маданий тармоқ ва жабҳаларда ислоҳотларни жорий қилиш йўлида ҳали кўп-кўп қийинчилик ва синовлардан ўтишимиз, кўп-кўп муаммоларнинг ечимини топишимиз керак.

Лекин, олдимизда турган барча ғов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч -бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир.

Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин.

Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз, у барчамиз учун ҳаётий бурчга айланиши лозим.

Шундай экан, жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман.

Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин.

Токи Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя эканини ҳис этиб яшасин.

Мен Конституцияга нисбатан «ҳимоя» сўзини бекорга ишлатмадим. Конституциямиз қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилиши керак.

Шу билан бирга, муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз навбатида Конституциянинг ва у белгилаб берган конституцион тузумнинг ҳимояси учун доимо тайёр туриши, керак бўлса, шу йил ёзда Сурхондарё ва Тошкент вилояти тоғларида қаҳрамонлик кўрсатиб шаҳид кетган мард ўғлонларимиз каби, ўз жонини фидо этишга ҳам қодир бўлиши даркор.

Ҳурматли юртдошлар!

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам мана шу муҳташам залда, сизлар билан кенгашиб, 2000 йилни яхши ниятлар билан Соғлом авлод йили деб эълон қилган эдик.

Бундан кўзлаган асосий мақсадимиз - барчамизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган фарзандларимизни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол, эл-юрт учун чин дилдан қайғуриб яшайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш, миллатимиз, халқимиз тақдири ва келажагига дахлдор бўлган бу муҳим масалага масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат эди.

Ана шу эзгу мақсадларга эришиш, бу соҳадаги ишларни қатъий режа асосида амалга ошириш учун махсус Давлат дастури қабул қилинган эди.

Бундай улкан вазифалар ижросини таъминлаш учун бир йил жуда қисқа муддат эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта. Лекин шунга қарамай, йил давомида давлат дастурида белгиланган олти йўналиш бўйича кўп-кўп ишлар амалга оширилганини, ёш авлод тарбиясида салмоқли ўзгаришлар рўй берганини эътироф этмоқ лозим.

Айниқса, дастурда белгиланган биринчи йўналиш - соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш юзасидан қилинган ишларни алоҳида таъкидлаш даркор, деб ўйлайман.

Бугунги кунда «Оналик мактаби», «Тиббий ишлар асоси», «Балоғат даври» каби бир қанча дастурлар ҳаётга жорий этилмоқда.

Шунингдек, «Оила кодекси»га биноан никоҳ қуришдан олдин ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ёш оилалар учун дастлабки беш йил мобайнида диспансер назоратини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилиб, бунга 170 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ҳозирги пайтда ҳар бир шаҳар ва тумандаги Никоҳни қайд этиш бўлимлари қошида ёшларга оила, унинг муқаддаслиги, унинг масъулияти, фарзанд тарбияси каби ўта муҳим масалалар тўғрисида зарур маълумот ва сабоқ берадиган «Оила дорилфунунлари» очилгани, қисқа вақт ичида уларда 20 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашгани эътиборга молик.

Дастурда кўзда тутилган иккинчи муҳим йўналиш - давлат, жамият ва оиланинг соғлом зурриёт тарбияси учун эътибор ва ғамхўрлигини ошириш бўйича ҳам катта ишлар қилинди.

Жумладан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан алоҳида эътибор талаб қиладиган ҳудудларда қарийб 20 минг оила, 30 мингдан зиёд турмуш қураётган йигит-қиз тиббий патронаждан ўтказилди ва уларга ҳомийлик тиббий ёрдами кўрсатилди. 5 миллиондан зиёд фарзанд кўриш ёшидаги аёллар, 6 ёшгача бўлган болаларнинг қарийб 98 фоизи ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволанишга муҳтож бўлганлари диспансер назоратига олинди ва уларни соғломлаштириш ишлари давом этмоқда.

Ушбу жамғарма орқали 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги мурувват ёрдамининг туғруқхоналар ва болалар тиббий муассасаларини энг замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминлашга қаратилгани ҳам соғлом зурриётни дунёга келтириш борасидаги муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, Республика гинекология-акушерлик илмий-тадқиқот институтининг Жиззах, Нукус, Қарши ва Наманган шаҳар бўлимлари ташкил этилди. Айни вақтда Тошкент, Андижон, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Термиз каби қатор шаҳарларда энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган «Она ва бола скрининги» тиббий марказлари ишлай бошлагани ҳам диққатга сазовордир.

Бу дастурни беш йил давомида амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, фақат шу йилнинг ўзидаёқ унга 440 минг АҚШ доллари сарфланди.

Соғлом авлод дастурининг бошқа йўналишларида ҳам, шу жумладан болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим олиши, ҳар томонлама камол топиши, туғма касалликларга дучор бўлган ногиронларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди.

Тошкент шаҳрида лойиҳа қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг бўлган «СОС-Ўзбекистон болалар маҳалласи»нинг бунёд этила бошлагани, унинг биринчи навбати қурилиши учун 2 миллион доллар маблағ сарфланиб, ишга туширилгани ҳам бу борадаги жиддий ютуқ бўлди.

Ҳаммангизга маълумки, мамлакатимизда ҳар йили илк бор мактаб остонасига қадам қўядиган 600 мингдан зиёд ўғил-қизларимизни дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш яхши анъанага айланиб қолди.

Жорий йилнинг ўзида умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчиларини, «Меҳрибонлик уйлари», мактаб-интернатлар ва ногирон болалар учун ихтисослаштирилган ўқув масканлари тарбияланувчиларини 11 турдаги дарслик, ўқув анжомлари билан таъминлашга 2 миллиард 508 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, замонавий лицей ва коллежлар барпо этиш каби Кадрлар тайёрлаш дастури бўйича амалга ошираётган улкан ишларимиз ҳам соғлом авлод тарбиясига хизмат қилмоқда.

Соғлом авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг нечоғли аҳамиятга эга экани ҳаммамизга аён. Талаба ёшлар ўртасида иккинчи бор ўтказилган «Алпомиш ўйинлари», «Универсиада - 2000» мусобақалари, маҳалла болалари футбол командалари ўртасидаги мамлакат биринчилиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил қилинган теннис турнири каби кўплаб спорт тадбирлари ўғил-қизларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашда, уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш йўлида, эртанги буюк келажагимизни кўзлаб амалга ошираётган мана шундай эзгу ва хайрли ишларимиз ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Лекин Соғлом авлод дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш натижасида, мана шу хайрли ва савобли ишлар туфайли кенг жамоатчилик онгида, халқимиз дунёқарашида соғлом авлод масаласига бўлган муносабат тубдан ўзгариб бормоқда.

Жондан азиз Ватанимизнинг тақдири, келажагимиз бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ эканини ҳар бир юртдошимиз тобора теран англаб бораётгани барчамизни чексиз қувонтиради ва янги эзгу ишларимизни давом эттиришга, аввало униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, ҳаётимиз кўрки, меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган, барча оналарга нисбатан эътиборни янада кучайтиришга даъват этади.

Қадрли юртдошлар!

Шу муносабат билан мен XXI асрнинг биринчи йилини, яъни кириб келаётган 2001 йилни мамлакатимизда Оналар ва болалар йили деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Кириб келаётган янги йилнинг ҳар жиҳатдан хайрли, саховатли ва баракали бўлишини умид қилиб унга мана шундай ном беришимизнинг амалий, керак бўлса, рамзий маъноси бор.

Бунинг рамзий маъноси шундан иборатки, Янги йилни Яратганимизнинг буюк мўъжизаси бўлган барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб ўзининг бутун борлиғини бағишлайдиган ҳаёт давомчиси бўлмиш Оналар ва жондан азиз болаларимиз тимсолида кўришимиз, ўйлайманки, жамоатчилигимизга, халқимизга маъқул келади.

Бунинг амалий маъноси шундан иборатки, биз Соғлом авлод йили деб номлаган 2000 йил мобайнида қилган барча эзгу ва савобли ишларимизни янги йилда ҳам давом эттиришимиз зарур.

Бу соҳада амалга ошираётган ишларимизнинг ижобий таъсири юртимизда яшаётган барча одамлар тақдирида, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон ҳаётида сезилиши даркор.

Янги йилда ҳам бошлаган хайрли ишларимизнинг давомини кўришимиз, яъни жамиятимизни, керак бўлса, ҳаётимизни соғломлаштириш борасида барча белгиланган лойиҳа ва режаларимизни рўёбга чиқариш, охирига етказиш зарур. Бундай ишлар ҳали жуда кўп маблағ ва энг муҳими, жуда катта эътиборимизни талаб қилади.

Содда қилиб айтганда, бошлаган ишларимиз ва ҳаракатларимиз ярим йўлда қолиб кетмаслиги керак.

Шу маънода жорий йилда бошланган оналар ва болалар манфаатига дахлдор барча тадбирларни нафақат давом эттириш, балки янада кучайтириш лозим.

Шу муносабат билан илгари ҳам тилга олинган, олдимизда турган баъзи масала ва муаммоларга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу борада биз аввало Оллоҳ таолонинг марҳамати билан она бағрида вужудга келган зурриётнинг соғлом ҳолда ривожланиши, уни энг замонавий тиббий воситалар ёрдамида кузатиб бориш ва парваришлашни, пировард натижада онанинг саломатлигини сақлаб, боланинг ҳам соғлом туғилиши учун зарур шарт-шароит яратишни ўзимизнинг доимий вазифамиз, деб билишимиз керак.

Шунингдек, туғилган гўдакни дунёга келган кунидан бошлабоқ тиббий назоратга олиш, уни турли касалликлар, соғлом ўсишига рахна соладиган салбий таъсирлардан асраш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳам ниҳоятда муҳимлиги ҳаммамизга аён.

Бунинг учун болани ривожланган давлатлардагидек, бир йил мобайнида доимий тиббий назорат қилиб бориш, турли касалликларга қарши эмлаш ва бошқа тадбирларни мунтазам амалга ошириш лозим.

Оналар ва болалар йилининг асосий вазифалари ҳақида гапирганда, болани гўдаклигидан ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашни, бу даврда замонавий медицина, педагогика, психология фанлари тавсияларини ҳар қайси оилада жорий қилиш айниқса зарурлигини тушуниб олишимиз лозим.

Фарзандларимизнинг онги шаклланадиган мактаб ёшигача бўлган даврда ота-боболаримиздан қолган урф-одатлар, гўзал қадриятлар ва замонавий тарбия усулларига амал қилган ҳолда тарбиялаш, уларни кўз ўнгида очилаётган дунё мўъжизалари билан таништириб бориш барча ота-оналар ва тарбиячиларимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак.

Айниқса, бошланғич синфларда ўқиётган даврда ўғил-қизларимизга билим бериш, уларни миллий руҳда тарбиялаш билан бирга болаларимизнинг чет тилларга, умуминсоний қадриятларга ҳам қизиқишини уйғотиш зарур.

Бошқача айтганда, мана шу барча жараёнларда она ва боланинг ҳаёти бир-бирига узвий боғлиқлигини, она ва оиланинг болага таъсири, унинг айнан шу муҳитда ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан озиқ олишини ҳеч қачон унутмаслик керак. Чунки, бола деганда, биз унинг балоғат ёшигача бўлган, яъни ота-онаси бағрида, ота-онаси паноҳида яшайдиган даврини тушунамиз.

Ҳеч шубҳасиз, Оналар ва болалар йилида кўзлаган эзгу ниятларимизни амалга ошириш учун ҳукуматимиз томонидан, шу масалага дахлдор бўлган барча мутасадди ташкилот ва идоралар, авваламбор, кенг жамоатчилигимиз, турли нодавлат ташкилотлари, хайрия жамғармаларини бу савобли ишга жалб этган ҳолда, амалий бир дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу дастурни амалга оширишда бошқарув органлари, жойлардаги ҳокимликлар, идора ва муассасалар, барча ташкилотларнинг, бир сўз билан айтганда, бутун халқимизнинг фаол иштирокини кўзда тутиш даркор.

Ишонаманки, Янги йилимизни мана шундай улуғ ва хайрли орзу-ниятлар, қўлимиздан келганича савобли ишлар билан кутиб олаётганимиз, бу хайрли ишларга шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг саъй-ҳаракатини жалб этишимиз йил давомида ўз мевасини, ўз самарасини беради, иншоолло.

Бу жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси зиммасига оилани, оналаримиз, умр йўлдошларимиз, азиз фарзандларимизни янада қадрлаш, уларни асраб-авайлаш борасида жуда катта масъулият юклайди.

Ўз оиласи, ўғил-қизларининг камоли, бахт-саодати учун меҳнат қилиш, уларни ҳимоялаш, ўйлайманки, ҳар бир эркак зотининг энг асосий ва муқаддас бурчидир.

Сўзимнинг охирида барчангизни яна бир бор Конституциямиз байрами билан чин дилдан самимий муборакбод этаман. Хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, файзу барака тилайман.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Боши 1-бетда).

заҳматкаш деҳқонларимизга қаратамиз ва уларнинг меҳнати олдида таъзим этамиз, деди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу йил ана шундай инсонларнинг муносиб вакиллари бирваракай уч нафар уста пудратчи деҳқон давлатимизнинг энг олий мукофоти - «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланганини мана шу буюк ҳурматимизнинг ёрқин далолати, десак, муболаға бўлмайди.

Юксак мукофотларга сазовор бўлганлар сафида бетакрор истеъдоди, авлодларга қолдирган бой маънавий мероси билан ўзбек миллий маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан тараққиётига бағишлаган бир гуруҳ марҳум маданият намояндаларининг номлари борлиги авваламбор уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаб, муборак хотирасини ёд этганимизнинг яққол намоёнидир, деди Йўлбошчимиз.

Ўзбек халқининг улуғ фарзандлари - Ғафур Ғулом, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби мумтоз адибларимиз, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Муҳиддин Қориёқубов, Юнус Ражабий, Аброр Ҳидоятов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Ботир Зокиров сингари уста санъаткорларимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланганини халқимиз қалбида бу зотларга бўлган меҳр-муҳаббат ҳеч қачон сўнмаслигининг исботидир.

Бугун Ватаннинг олий мукофотларини ана шу азиз инсонларнинг авлодларига топширар эканман, тарихий адолат қарор топганидан, эл меҳри, юрт эътибори туфайли бу улуғ ижодкорларнинг руҳи шод бўлганидан, шундай савоб ишларга ҳиссам қўшилганидан ҳаммангиз қатори мен ҳам беҳад қувонаман, деди Ислом Каримов.

Мамлакатимиз раҳбари юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган қаҳрамон фарзандларимизнинг ота-оналарига яна бир бор ҳурмат билдириб, уларнинг номлари ва жасорати ҳеч қачон қалбимиздан ўчмаслигини алоҳида таъкидлади:

- Мукофотланганлар қаторида мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, тинч ва осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидай асраш, мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, миллий хавфсизлигимизни таъминлашдек шарафли ва масъулиятли ишда алоҳида ўрнак кўрсатган Ватан посбонларининг борлиги халқимизнинг уларга нисбатан чексиз ҳурмати белгиси сифатида қабул қилиниши керак.

Мен бугун мукофотланган юртдошларимиз сафидан ўрин олган, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётимизда катта-катта ютуқларни қўлга киритаётган кекса-ю ёш ҳамюртларимизнинг қувончига шерик бўлишдан ғоят мамнунман. Янги аср арафасида, муборак Рамазон ойида юз кўришганимиздан, ҳар бирингизни бағримга босиб, мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан табриклаётганимдан ўзим ҳам қалбимда чексиз фахр ва ифтихор туйяпман.

Мамлакатимиз раҳбари «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлган юртдошларимизни, турли мукофотларга муносиб кўрилган ёзувчи ва шоирларни, ўқитувчиларни, илм-фан, санъат ва маданият намояндаларини, лафзи ҳалол деҳқонларни, ишлаб чиқариш илғорларини, юрт тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидай асраётган Ватан посбонларини, серқуёш ўлка довруғини бутун дунёга тараннум этаётган алп баҳодирларимизни муборакбод этди, уларга ижодий зафарлар ва қувончлар тилади.

Президент Ислом Каримов Бухоро вилояти Ғиждувон тумани С.Айний номидаги ширкат хўжалиги бош пудратчиси Ҳазрат Аблақулов, Хоразм вилояти Хива тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Бекдурди Жуманиёзов ва Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Б.Отақулов номидаги ширкат хўжалиги бош пудратчиси Юрсинбой Жўраевга мамлакатимизнинг Олий мукофоти - «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони гувоҳномаси ва «Олтин юлдуз» медалларини топширди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўзининг шарафли меҳнати билан эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, маориф, спорт, соғлиқни сақлаш соҳалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан бир гуруҳига юксак унвонлар ва орден-медалларни ҳам тантанали равишда топширди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Бекдурди Жуманиёзов, Хури Алимхўжаева, Тўти Юсупова, Таъна Берди Қурбонов, Малик Набиев, Лев Ким, Аделина Любчич, Тоҳир Малик, Шомурод Тоғаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев ва бошқалар ўзларига билдирилган бундай юксак ишонч кучларига куч, ғайратларига ғайрат қўшишини, янада олижаноб ишларга бошлашини таъкидладилар, юксак обрў-эътиборга лойиқ кўрган халқимизга, Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Ўктам ДЎСТЁР (ЎзА).

Оқибатли кишилар

МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддаси).

Яқинда автобусда ишга келаётиб икки отахоннинг ўзаро суҳбати эътиборимни тортди. Улар оқибат, диёнат, меҳр-мурувват хусусида сўзлашар эдилар.

— Етимнинг бошини силаган давлат кам бўлмайди, - деди оппоқ соқолли нуроний.

- Яқинда Меҳрибонлик уйига учрашувга борган эдик. Озода кийинган болаларни, уларга яратилган бекаму кўст шароитни кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди. Ҳукуматимизга минг раҳмат. Шунинг учун ҳам юрт ой сайин гуллаб-яшнаяпти.

— Тўғри айтасиз, - тасдиқлади ёнидаги ҳамроҳи. - Қаранг, салкам ўн йилда юртимизда ўн йилликларга татигулик ишлар амалга ошди. Худо хоҳласа, бу ҳали бошланиши.

Дарҳақиқат, минг шукрлар бўлсинки, инсонпарвар мамлакат фуқароларимиз. Меҳр-оқибатли бўлиш халқимизнинг шуурига азалдан сингган. Етимларга нафақат давлатимиз, тадбиркорлар, ташкилотлар, мурувватли инсонлар ҳам саховат кўрсатишмоқда.

Шу ўринда касаба уюшмаларида ҳам бу борада амалга оширилаётган ибратли ишларга тўхталмоқ жоиз. Ўзбекистон Республикаси автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 2000 йилда 1 миллион 887 минг сўм сарфланиши кўзда тутилган. Маблағнинг асосий қисми байрамлар ва бошқа тадбирлар муносабати билан сарфланди. Жумладан, яқинда Гулистондаги Меҳрибонлик уйига 52640 сўмлик тозалаш воситалари ҳамда чинни идишлар олиб берилди.

— Меҳрибонлик уйига ташриф буюрганимизда болалар чеҳрасидаги шодликни кўриб, қалбларимиз қувончга тўлди, - дейди Марказий қўмита масъул ходими Алишер ака Мадалимов. - Бундай тадбирларни мунтазам ўтказишни йўлга қўйганмиз. Ҳайит ва Янги йил билан Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини қутлаш мақсадида совға-саломлар тайёрлаяпмиз. Уларнинг юзида кулгу, хурсандчиликни кўрсак, бизга энг катта мукофот шу.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Шуни мамнуният билан айтиш лозим, таҳририятимиз ходимлари ҳам Меҳрибонлик уйларида тез-тез бўлиб баҳоли-қудрат ёрдам бериб келишяпти. Яқинда шаҳримиздаги 21-Меҳрибонлик уйида вояга етаётган ўғил-қизларга видеомагнитафон туҳфа этилди. Болаларнинг суюкли ва меҳрибон устози, ушбу маскан раҳбари Алла Демчук миннатдорчилик билдириб, ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилганини таъкидлади. Айтмоқчи, газетамиз ёрдами билан икки нафар тарбияланувчи яқинлари бағрига қайтди.

Муқаддас китобларда ота-она меҳрига қонмаган норасиданинг бошини силаб, кўнглини кўтарган киши кўп савоб олади, дейилган. Бизнинг жамиятда ҳар бир жажжи инсон соғлом ва бахтиёр вояга етиши учун давлатимиз ҳеч нарсани аямаётир.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Конституциямизнинг биз учун муқаддаслиги яна шундан иборатки, у ҳар қандай тараққиёт учун гаров бўлмиш тинчлик, осойишталик, тотув ҳаётнинг асосларини белгилаб берган.

Ислом КАРИМОВ

ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ, ТОЛЕИМИЗ ОФТОБИ

ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Давлат ва Жамият қурилиши» академиясида «Конституция — Фуқаролар тинч-тотувлиги ва хавфсизлиги гарови» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбатда таниқли ҳуқуқшуносслар, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этишди. Улар Мустақиллигимизнинг илк палласида яратилган, ўзида ҳаётимизнинг барча жабҳаларини мужассам этган — Қомусимиз, унинг оламшумул аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Савол-жавобларга бой ва ишчанлик руҳида ўтган давра суҳбати кўпчилик қатори менда ҳам яхши таассурот қолдирди. Сабаби, унда фуқароларимизнинг маълум қисми қонунларни тўла-тўкис билмаслиги, бу камчиликка барҳам бериш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлиги долзарб масала сифатида ўртага қўйилди. Ҳа, буни ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида учратиш мумкин. Эслаб кўринг, 90-йилларнинг бошида минглаб фирмалар очила бошлади, ўз ҳуқуқини билмаслик оқибатида кўплари фойда кўриш ўрнига зиён билан фаолиятини тугатди. Бунда бир томондан, фирма ходимларининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари, иккинчи томондан эса текширувчиларнинг «сероблиги» салбий рол ўйнади, дейиш мумкин. Эндиликда давлатимиз томонидан бундай ҳолларга нисбатан турли хил чоралар кўрилмоқда, яъни режасиз текширувлар қонун йўли билан тартибга солинди ва қаттиқ назоратга олинди. Лекин ҳали ҳам қонунларни, унинг моҳиятини яхши англамаётган фуқаролар орамизда учраб турибди. Бизнингча, ҳар биримиз ўз ҳақ-ҳуқуқимизни яхши билишимиз ва шундай юртда яшаётганимиздан фахрлана билишимиз керак!

Гайрат ЗУНУНОВ,
Давлат ва Жамият қурилиши академиясининг тингловчиси.

ҚИШЛОҒИМНИНГ БИЛИМДОН БОЛАЛАРИ

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга... *(41-модда).*

Каттақўрғон туманида Мундиён қишлоғи бор. У ўзининг гўзал табиати, соҳибкорлари, билимдон кишилар билан кўпга танилган. Табаррук инсонлардан бири Орзи Маҳмудов эди. Оддий деҳқон фарзанди ҳалол меҳнати, ташкилотчилиги ва кучли салоҳияти шарофати ила катта мартабага эга бўлди. Масъул лавозимларда ишлаб кўпдан-кўп савобли ишларни амалга оширди.

Яхшидан боғ қолади деганларидек, Орзи ота ёшларимизнинг илмли, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига ўз улушини қўшишга интилди. Ташаббус кўрсатиб қишлоғимизда замонавий мактаб қурилишига бошчилик қилди. Вилоятдаги энг кўркам маданият саройи ҳам шу инсон саъй-ҳаракатлари билан қад ростлаган. Қарангки, Орзи Маҳмудов номидаги 17-ўрта мактабдан 50 га яқин фан номзоди, фан доктори, профессорлар етишиб чиқди. Биз шогирдларимиз — шоирлар, ёзувчилар, жамоат арбоблари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ўқувчиларимиз Самарқанд вилоятида алоҳида ҳурмат билан тилга олинадиган инсон номи билан аталувчи илм масканида таълим-тарбия олишаётганидан бошлари осмонда. Улар орасида вилоят, республика олимпиада ғолиблари бор. Мактабда Орзи Маҳмудов музейи барпо этилган. Бу маскан ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўляпти. Ҳозирги кунда барчамиз эзгу ният билан фахримиз бўлмиш О.Маҳмудовнинг 90 йиллиги ҳамда мактабимизнинг 70 йиллик юбилейини ўтказишга катта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси Бахт китоби, толе офтоби бўлмиш Конституциямиз шарофатидандир.

Юлдуз ҲАМРОЕВА,
Каттақўрғон туманидаги Орзи Маҳмудов номли 17-ўрта мактаб директори.

САЛОМАТЛИККА НИМА ЕТСИН!

Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар... *(38-модда).*

Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилганидек, касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилади. Унинг замирида шу жумладан, меҳнаткашларнинг дам олиш ва тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини қондириш масалалари ётганлигини ҳам тушуниш қийин эмас. Шу маънода мазкур вазифалар туман тармоқ қўмитамиз фаолиятининг муҳим бўғинини ташкил этади.

Тармоқ таркибида 20 минг нафардан зиёд касаба уюшма аъзоси бор. Уларга баракали меҳнат қилишлари ва мазмунли дам олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳудуддаги корхона, ташкилот ва хўжаликларда маънавият-маърифат хоналари, кутубхоналар, спорт майдончалари, сув ҳавзалари, турли ўйин-гоҳлар ишловчилар ихтиёрида. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида иш аҳоли талаб эҳтиёжлари қатъий ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилган.

Халқимизда «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам», деган ажойиб мақол бор. Ана шу нақлнинг амалийлигини таъминлаш юзасидан режа асосида иш юритаётганимиз ўз самарасини бераётир. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида 21 нафар киши марказий ва вилоят миқёсидаги санаторий-профилакторийларда даволаниб, ҳордиқ чиқарди. Улардан 9 нафари «Мохи-Хосса», 7 нафар ишловчи эса «Обигарм» сиҳатгоҳларида саломатликларини тикладилар.

Айниқса, туман ўрамида жойлашган «Иссиқ сув» сиҳатгоҳи шифокорлари фаолиятидан аҳоли мамнун бўлмоқда. Бир йўла 100 нафар мижозга хизмат кўрсатувчи ушбу масканда дам олиш учун навбатда турувчилар сероб. Сабаби йўлланма баҳоси - бор-йўғи 18 минг сўмни ташкил этади. 1- ва 2-гуруҳ ногиронларига имтиёзли хизмат кўрсатилмоқда. Яъни, улар киши бошига сарфланадиган харажатнинг 50 фоизинигина тўлайдилар, холос. Бундай имтиёздан биз ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Чунончи, 30 нафардан зиёд ишлаб чиқариш илғорлари имтиёзли йўлланма билан ушбу масканда ҳам даволаниб, ҳам мазмунли дам олдилар.

Ишловчилар фарзандларининг таътил пайтида кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари масаласи ҳам диққат марказимизда бўлди. Шу боис мавсумда 400 нафарга яқин ўғил-қизларимизнинг оромгоҳларда дам олиши ташкил этилди.

Меҳнат аҳлининг ишдан бўш вақтларини завқли ўтказишлари масаласига айниқса, «Маданият», «Чорбакр» ,«Дўстлик» хўжаликларида катта эътибор берилмоқда. Турли маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказиб турилади. Республикамизнинг диққатга сазовор жойлари - табаррук қадамжолар, тарихий обидаларга саёҳатлар уюштирилади. Деҳқонларнинг санъаткорлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлари, кўнгилочар томошаларнинг ташкил этилиши шулар жумласидандир.

Толиб СОДИҚОВ,
Бухоро тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.



ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Бухоро тумани «Чорбакр» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Амиробод қишлоғида Қомусимиз байрами арафасида замонавий тиббий ёрдам маскани қад ростлади.

Бир ярим минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқда бундай даволаш масканига эҳтиёж жуда катта эди. Эндиликда амирободликлар муолажа олиш учун туман марказига бориш ташвишидан халос бўлди. Янги шифо масканида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар мавжуд.

Конституциямиз яшамоқда, амал қилмоқда

АДОЛАТ ҚОМУСИ

(Боши 1-бетда).

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистоннинг кўпмиллатли мамлакатга айланиши, аҳолининг таркибида хилма-хил халқ, миллат ва элатларнинг мавжудлиги узоқ тарихий жараёнларнинг натижасидир. Маълумотларга кўра, бундан юз йил аввал ҳозирги республикамиз ҳудудида етмишга яқин миллат вакиллари истиқомат қилган. Орадан ўттиз йил ўтгач, бу сон 91 тага, 1959 йили - 113, 1979 йили - 123 тага етди. Охирги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, республикамизда 136 миллат вакиллари яшамоқда.

Мустақиллик ва Конституциямиз шарофати ила миллатлараро муносабатлар умумий маърифий, маданий эҳтиёжларини қондириш, аҳолининг миллий таркибига мос келадиган таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш имконияти яратилди. Мамлакатимизда бугунги кунда 9460 дан ортиқ мактаб бўлиб, шундан 845 тасида рус, 595 тасида қозоқ, 339 тасида тожик, 66 тасида туркман ва 63 тасида қирғиз тилларида таълим берилади. Булар орасида икки ёки уч тилда ўқув машғулотлари олиб борилаётган мактаблар ҳам анчагина. Халқ таълими вазирлигига қарашли педагогика институтларида қозоқ, рус, тожик тилларида ўқув олиб бориладиган мактаблар учун ҳам мутахассислар тайёрланмоқда.

— Биз яхши биламизки, инсон, у қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, одамийлиги, самимийлиги ва кўнгли очиқлиги билан эҳтиром топади, - дея ўз фикрини ифодалайди Ўзбекистондаги Рус миллий-маданий маркази масъул котиби А.Маркевич. - Ўзбек халқи ана шу ажойиб сифатларни ўзида мужассам этган ва бу гўзал фазилатлар шу диёрда яшаётган барча миллат вакилларига ҳам сингиб бормоқда.

Конституциямизга қараб халқимизнинг салоҳияти, давлатимиз моҳияти тўғрисида, ижтимоий-сиёсий турмушимизнинг халқчиллиги ва тараққиёти хусусида, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликларининг мазмуни ҳақида хулоса чиқарилади. Адолат қомусининг яна бир эътиборли томони — унда вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя этилиши, оила муҳофазага олинганлиги, етим болалар таъминоти ҳамда уларнинг тарбияси, оналик-болаликни муҳофаза этиш давлат, жамият томонидан таъминланиши каби юксак ахлоқий қоидаларнинг мустаҳкамлаб берилганидир. Давлат кам таъминланган фуқароларни ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган бўлиб, компенсация тўловларини ҳамда аҳоли турмуш даражасининг пасаймаслигига қаратилган бошқа тадбирларни кафолатлайди. Шу боис, фахр билан айтиш керакки, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ижтимоий ҳимоя тизими ҳар қандай ривожланаётган давлат учун ўрнак бўлиши мумкин.

Бу ўта муҳим вазифани, савобли юмушни бажаришда энг оммавий жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар мамлакатимизда Юртбошимиз саъй-ҳаракати билан ижтимоий муҳофаза тадбирларининг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига моддий ёрдам бериш ҳамда ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда ғоят муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганлигини қалбдан англамоқдалар. Зеро, инсонпарварлик дастурини амалга оширишда касаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Республика Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чоратадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилаётган тадбирлар ҳам таҳсинга лойиқ. Масалан, ушбу қарорга мувофиқ вазирликда махсус тартиб ишлаб чиқилган. Унга кўра, жойларда ҳомийлар маблағлари ҳисобидан мурувват кўрсатиш ишлари йўлга қўйилиб, жорий йилнинг ярмида рўйхатдан ўтказилган 47.979 нафар ёлғиз кишиларга 397 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Ундан ташқари, ярим йиллиқда рўйхатга олинган ёлғиз кексалардан 32.325 нафари диспансер кўригидан ўтказилиб, шифоталаблар уй ва стационар шароитларда даволанмоқдалар. Ҳомий ташкилотлар ва Республика ногиронлар жамияти маблағларини жалб этган ҳолда 4909 нафар ёлғиз беморқарияга 8 миллион сўмдан ортиқ дори-дармон етказиб берилди.

Ҳа, Ўзбекистон Конституцияси яшамоқда, амал қилмоқда. Унинг ҳаётбахш моддаларига бирма-бир кўз югуртирар эканмиз, шундай эзгу ният кўнгилдан ўтади: қани энди барча ерда шунча имконият ва имтиёзлар қадрига етилса, бепарво, бефарқ одамлар сони камайса, асл фидойилар сафи кўпайса. Ҳар бир инсон ва албатта биринчи навбатда, раҳбарлар ўз жойида ҳалол, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилса, бурчларини виждонан бажарса эзгу ниятларга эртароқ етардик.

Мустақиллик йилларида одамларнинг маънавий қиёфаси ўзгарди, уларнинг миллий онги, сиёсий савияси кўтарилди. Бу мустақиллик ва Асосий Қомусимиз шарофатидандир. Ана шундай кезларда қалбимизни эзгу ҳислар чулғайди, Яратганга шукроналар айтамиз. Беихтиёр шоирнинг қуйидаги сатрлари ёдга келади:

Бахтимиз қомуси
нурафшон этмиш,
Бир сўзли ўзбегим
истиқлолини,
Бошида қуёши
чароғон этмиш,
Мустақил бу юртим
шон-иқболини!

Миргиёс ҚАЮМОВ.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

(52-модда).

Яқинда Сирғали туман Мудофаа ишлари бўйича бўлимига ҳарбий хизматда ўз йигитлик бурчини ўтаётган бир гуруҳ аскарлар номидан миннатдорчилик мактуби келди. Унда шундай сатрлар бор:

«Ҳарбий хизмат завқини фақатгина ҳарбийликни бошидан кечирган инсонгина ҳис қила олар экан. Армия сафларига келгач биз ўзимизнинг ўсмирликдан мустақил ҳаётга қадам қўйганлигимизни, аскарларимиз Ватаннинг, ота-она ва ёру биродарларининг суянган тоғлари эканликларини, биз ҳам ана шундай шарафга муяссар бўлганимизни англаб етдик. Бир сўз билан айтганда, аскарлик ҳаётини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмас экан.

Командирларимиз ва зобитлар бизга ўз ота-онамиздек меҳрибонлар. Бу ерда ҳарбий хизматга чақириқ арафасида «Ватанпарвар» ташкилотида ҳарбий мутахассисликлар бўйича ўқув жараёнларида олган билим ва кўникмаларимиз жуда асқотмоқда.

Биз ўз тенгдошларимиз ва укажонларимизга Ватанни ҳимоя қилиш мард ўғлонларнинг муқаддас бурчи эканлигини таъкидлашни истардик».

Шу ва шунга ўхшаш мактублардан кўриниб турибдики, ҳарбий хизматни адо этаётган аскарларимиз, уларнинг ота-оналари ҳарбий қисмларда яратилган шарт-шароитлардан мамнунлар.

— Республикамиз Мустақилликка эришгач бу соҳада ҳам катта ўзгаришлар рўй берди, - дейди биз билан суҳбатда Сирғали туман Мудофаа ишлари бўйича бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи капитан Ботиржон Беркинов. — Чақирилувчи ёшлар аввало бўлим тиббий комиссиясидан, сўнгра шаҳар чақириқ тиббий комиссияси кўригидан ўтадилар. Унинг хулосасига кўра улар тегишли хизмат турларига - ҳақиқий ёки муқобил хизматга юборилади. Соғлиги туфайли ҳарбий хизматга нолойиқ деб топилганлар эса заҳирага ўтказилади.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар билан ўтказиладиган суҳбатларда уларнинг оилавий шароитлари ҳам ўрганилади. Агар оилавий шароити унинг ҳарбий бурчини ўташига имкон бермаса, чақириқ муддати маълум вақтгача узайтирилади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидламоқчи эдим. Истиқлол шарофати билан йигитларимиз ҳарбий хизматни жонажон диёримизда ўтамоқдалар. Шунингдек, муқобил хизмат ҳам ташкил этилди. Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ муддати 1,5 йил, олий маълумотлиларга 1 йил, муқобил хизмат муддати 2 йил, олий маълумотлиларга 1,5 йил қилиб белгиланган.

— Кузги чақириқда туманимиздан бир қанча йигит ҳақиқий ҳарбий хизматга жўнатилди, - деди бўлим бошлиғи, капитан Ўктам Худойберганов. — Энг қувонарлиси — ҳарбий хизматга юборишни сўраб, бизга мурожаат этаётган ёшлар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Кузги чақириқни намунали ўтказишда бизга туман Ички ишлар бўлими, Чоштепа, Баҳор, Йўлдош, Ал-Фарғоний маҳалла қўмиталари катта ёрдам кўрсатдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.



Кўргазма

АЛИШЕР МИРЗОНИНГ ИЖОД ГУЛШАНИ

Инсон ўзи ва ўзгалар ҳақида қандайин баланд гаплар айтмасин, бу гаплардан осмонга кўтарилса бўладиган нарвон ясаб бўлмайди. Инсон ҳақидаги энг тўғри ва одил сўз - бу унинг қилган ва қолдирган хайрли амалларидир. Чинакам ижодкорлар ёққан гулхан ҳеч қачон сўнмайди. Шунинг учун минг йиллардан кейин ҳам атрофига нафосат ва тафаккур ахлини йиғаверади.

Бу Киночилар уйи кўргазмалар залида Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Ўзбекистон халқ рассоми, А.Қодирий номидаги давлат мукофоти совриндори, профессор Алишер Мирзонинг шахсий кўргазмаси очилиш маросимида билдирилган фикрлар мужассамидир. Ҳақиқатан ҳам унинг асарларини кўздан кечирар экансиз, мусаввир ўз йўли ва ўз тафаккур дунёсига эга бетакрор санъаткорлар сирасидан эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Кўргазмага қўйилган «Хотира», «Фузулийни ўқиб», «Ҳайдалиш куйи», «Чўпон бола», «Сўнгги учрашув», «Келинчак» ва бошқа асарлар шундан гувоҳлик бериб турибди.

Рассом ижоди нафақат республикамизда, балки хорижий давлатларда ҳам тан олингани бежиз эмас. Алишер Мирзаевнинг 1979-2000 йиллар орасида Монголия, Сурия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда бўлиб ўтган шахсий кўргазмалари ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бунинг исботи ўлароқ мусаввир асарлари Германия, АҚШ, Франция, Италия, Испания, Болгария, Япония, Ҳиндистон, Югославия ва бошқа давлатлар музейлари ва шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

— Алишер аканинг асарларини анчадан бери қизиқиш билан кузатиб юраман, - дейди санъат шинавандаси Абдумурод Бобожонов. — Ижоди ғоят серқирра. Масалан, баъзи рассомлар фақат портрет, пейзаж ёки бошқа бир жанрга ихтисослашиб қолган. А.Мирзаевда эса барча жанрларга иштиёқ кучли. Боз устига унинг ўзига хос услуби бор. Реал ҳаётни тасвирлагани ҳолда, ҳаётнинг ҳамма ҳам кўравермайдиган ботиний гўзаллигини ҳам очиб бера олади. Шу боис унинг асари вақт ўтиши билан ўз жилоси ва аҳамиятини йўқотмайди.

— Мусаввир асарларини бизнинг мамлакатимизда ҳам суйиб томоша қилишади, - дейди Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси ўринбосари жаноб Андреас Протманн. - Негаки А.Мирзаев расмларини кўрган киши юртингизнинг бетакрор табиати, меҳнаткаш ва меҳмоннавоз одамлари, қолаверса, осойишта ҳаёт неъматларини кўз олдига келтиради. Улар билан гўё бевосита мулоқотда бўлади. Шунинг учун унинг асарлари бошқа кўп жойда бўлгани каби бизнинг музей экспонатларимиз орасидан муносиб ўрин олган.

Кўргазма ўзининг бетакрорлиги, ҳаётийлиги, шарқ санъатининг ҳақиқий намунаси сифатида томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: 1). Кўргазмага қўйилган асарлардан намуналар. 2). Мусаввир А.Мирзаев мухлис билан мулоқотда.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Теннис

ОМАД ЁР БЎЛСИН, ФАРРУХ!

Ўтаётган йил умидли ва истеъдодли теннисчи Фаррух Дўстов учун ҳар доимгидан муваффақиятли кечди. Ўн тўрт ёшли бу ракетка устаси аввалига ўсмирлар ўртасида ўтган республика биринчилигида, сўнгра «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, «Динамо» теннис клуби, БМТ ваколатхонаси совринлари учун ташкиллаштирилган ўнга яқин турли нуфузли турнирларда бош соврин сохиби бўлди.

Шу кунларда Фаррух АҚШда ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган халқаро мусобақаларда иштирок этмоқда. Кеча океан ортидан хушхабар олдик. Бродонтон шаҳрида ўн беш йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий «Eddiherr» халқаро турнирининг навбатдаги баҳсларида



ўттиздан ортиқ давлатлар вакиллари қаторида Фаррух Дўстов ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У жуфтлик беллашувларида германиялик Ирвин Майлс билан бирга кортга чиқиб, финалгача барча рақиблари устидан ғалаба қозонди. Фақат Фаррух ҳамда Ирвин жуфтлигининг ҳал қилувчи баҳслардагина омади чопмади — 3/6, 6/4, 2/6.

Вакилимиз шахсий биринчиликда ҳам ёмон натижа кўрсатмади. Чорак финалгача уч учрашувни ўз фойдасига ҳал этган Ф.Дўстов тўртинчи турда янги зелландиялик тенгдошига имконият бой берди, холос.

АҚШдаги дунёга машҳур Ник Боллетьерн академиясининг собиқ тингловчиси, иқтидорли теннисчимиз Фаррух Дўстов бугун Майями шаҳрида бошланган яна бир йирик халқаро турнирда кортга чиқади. Мазкур мусобақа ниҳоясига етгач, ҳамюртимиз нуфузи жиҳатидан ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига тенг бўлган «Orangeball» халқаро турнирида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Омад ёр бўлсин, сенга Фаррух!

Эркин ХОЛБОБОЕВ.



Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллиги арафасида Хўжайли туманида юқори босимдаги Оқтерак табиий газ тақсимлаш шохобчаси фойдаланишга топширилди.

ТУМАН ҲУДУДИ ТЎЛА ГАЗЛАШДИ

Уни муддатидан олдин ишга туширишда «Урганчгазтранс» бошқармаси жамоасининг ҳиссаси катта бўлди.

Йирик газ тақсимлаш шохобчасининг фойдаланишга топширилиши туфайли «Амударё», «Хатеп», «Бегжам» жамоа хўжаликларидаги 5 мингга яқин хонадон табиий газ билан таъминланди.

БАХТЛИ ОИЛА

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. *(63-модда).*

Ҳурмату-эъзоз умр сонияларини беҳуда сарф этмай, эл корига ярашни ўзига бахт деб билган, намунали оила ярата олган одамларгагина насиб этади.

Муҳаммадамин Жўрабеков 40 йилдан ортиқ умрини эл хизматига бағишлаб, нафақага чиққач, уни маҳалла оқсоқоллар йиғинига раислик қилиб, кўпга бош бўлишни таклиф этишди.

— Ўз оиласида мустаҳкам тартиб ўрнатиб, фарзандларига тўғри тарбия берган, уларни меҳр-оқибат риштаси билан жипслаштира олган одамгина элга бошчилик қилиши лозим, — дейишди улар. — Фарзандларингизга ҳамманинг ҳаваси келади. 5 ўғил, 2 қизингиз оилада ҳам, меҳнат жамоасида ҳам барчага намуна. Келинларингиз аҳил-иноқ. Ҳали бардам-бақувватсиз. Қолаверса, фаолларимиз ҳам ёрдам беришади.

Шундай қилиб, Муҳаммадамин акани Чилонзор туман Хозирабод маҳалла оқсоқоллар йиғинига раис қилиб сайлашди. Мана 3 йилдирки, у киши эл хизматида. Маҳаллада истиқомат қилувчи турли миллат вакилларидан иборат 2286 оиланинг иссиқ-совуғидан хабар олиш, яхши-ёмон кунларида ҳамдам бўлиш Муҳаммадамин ака бош маҳалла фаолларининг зиммасида.

Собиржон ота Орипов, Қобилжон Одилов, Қудрат Толипов, Муяссар Нурматовалар унинг яқин ёрдамчилари.

— Айни пайтда 25 оила давлатимиз томонидан моддий ёрдам олишади, — деди биз билан суҳбатда М.Жўрабеков. - 16 ёшгача фарзандлари бўлган 225 оилага, 2 ёшгача болалари бўлган 87 оилага нафақа берамиз. Айрим ҳолларда ҳомийларимиз ҳам моддий кўмак беришади. Ўсмирларимизнинг бемақсад кўчада юришларига йўл қўймаймиз. Оқсоқоллар йиғини қошида бепул инглиз тили, тикиш, тўқиш курслари очилган. Маҳалла ёшларига чет тилини Дилшода Толиғова бажонидил ўргатаётган бўлса, Саидахон Маликова тикиш, тўқиш сирларидан огоҳ этмоқда. Вақтивақти билан туман ички ишлар бўлими, адлия ходимлари иштирокида суҳбатлар уюштириб турамиз. Бу учрашувларда улар ёшларимизнинг бурч ва вазифалари, дунё воқеалари билан таништирилади.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
«Ишонч» мухбири.

«ОМАДЛИ КИОСКА»

Когон шаҳридаги темир йўл вокзали яқинидаги газета-журналлар сотиладиган шохобчани шундай деб аташади. Бу бежиз эмас, албатта. Гап шундаки, Зинаида Гебельнова сотувчилик қиладиган ушбу киоскада бахтини синаб кўрган бир киши «Эколот» лотереяси ўйнаб, «Нексия» автомобили соҳиби бўлди.

Орадан бир неча кун ўтиб, когонлик темир йўлчилардан бирига юз минг сўм ютуқ чиқди.

Кунига 100, 500 ва 1000 сўмлик ютуқлар ҳам чиқиб турганини кўриб, дўкончанинг ростдан ҳам омад келтиришига ишониб қолади киши. Ютуқ умидида бу ерга келаётганлар сони эса кун сайин кўпайиб бораётганини айтмаса ҳам бўлади.

(ЎзА)

Истиқлол шарофати

ЎЗБЕГИМНИ ТАНИТГАН КУРАШ

Аввал хабар берганимиздек, бугун Халқаро Кураш Ассоциацияси ўзининг навбатдаги Ижроия қўмитаси йиғилишини ўтказади. Ушбу нуфузли ташкилотнинг бу галги йиғилишида сайёрамизнинг тўрт қитъасидан келган ижрокум аъзолари томонидан миллий спортимизнинг янги асрдаги истиқболига бағишланган долзарб масалалар кўриб чиқилади. Анжуманда иштирок этиш учун Америка қитъавий Кураш конфедерацияси президенти Эдгар Клауре, Африка қитъавий Кураш конфедерацияси президенти Андре Френч ва Туркия Республикаси Кураш федерацияси президенти Иброҳим Остек жаноблари биринчилардан бўлиб юртимизга ташриф буюрдилар.

Мамлакатимиз меҳмонлари журналистлар билан ўтказилган матбуот анжуманида ўзбек кураши ҳақида ўз фикр ва муносабатларини билдиришди.

Иброҳим Остек (Туркия) — Қардош ўзбек диёрига учинчи маротаба келишим. Бунга сабаб, ўзбек курашидир. Мазкур спорт билан танишган пайтимдаги ҳаяжонимни таърифлашга сўз ожиздир. Чунки тарихчи сифатида айта оламанки, дунё курашларининг отаси бўлган — ўзбек кураши бошқа миллатлар томонидан ўз миллий спорти тури тариқасида ўзлаштирилиб, асрлар оша жаҳон халқлари саломатлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида толмай хизмат қилаётган эди. Хайриятки, Ўзбекистон истиқлолга эришгани ва Республикангиз Президенти Ислом Каримов ҳеч бир мамлакат бошлиғида кузатилмайдиган даражада спортсевар бўлгани боис бобомерос кураш дунё юзини кўриб, агрессив равишда қамровини кенгайтирмоқда.

Анталияда ўтган кураш бўйича иккинчи жаҳон чемпионатидан сўнг, мамлакатларимиз орасида нафақат, сиёсий-иқтисодий, маданий, шунингдек, спорт соҳасида ҳам кенг миқёсда ҳамкорлик риштолари мустаҳкамланганини қувонч билан таъкидлайман. Қолаверса, курашнинг Туркиядаги оммавийлигини жадаллаштириш мақсадида келгуси йил барча ёшдаги полвонлар ўртасида мусобақалар ўтказиш ҳамда ҳакамлик курс ва семинарлари ташкил қилишга астойдил бел боғлаганмиз.

Андре Френч (ЖАР) — Даставвал, ўзбек кураши мен ва африкаликларга нима берди деган саволга тўхталсам. Шуни алоҳида эътироф этардимки, ўзбекни ўзлигини танитган кураш бўлди. Чунки биздаги 1993 йилгача давлат бошқарувида бўлган сиёсатдонлар томонидан шарқ халқларини, умуман олганда, собиқ Совет халқларини тузилиши, қиёфасидан тортиб урф-одатигача ғайритабиий ҳолатда тасвирлаш тарғиб қилинарди. 1999 йилда Халқаро Кураш Ассоциацияси президенти Комилжон Юсупов таклифига биноан келиб кўрдимки, бу юртга, одамларига бўлган тасаввурим бутунлай ўзгариб, жаҳон халқларига ҳар жиҳатдан намуна бўлса арзигулик ҳақиқий санъат, маданият ва инсонлар шу заминда эканлигига ишончим комил бўлди. Шундан бошлаб, бу ўлкага бўлган соғинч қалбим тўридан жой олди. Шунинг учун, сирли юрт билан яқинроқ танишиш мақсадида биринчилардан бўлиб мамлакатингизга келишга жазм этдим.

Африка қитъасида курашга бўлган муносабат ҳақида тўхталсам, бизда ҳам тажрибали ўзбек курашчилари, ҳакамларини юборишиб, африкалик полвон ва мураббийлар тажриба ҳамда маҳоратини юксалтиришда ёрдамлашса, айни муддао бўларди. Ишонаманки, юртингиз бой маданияти ва тарихидан дунёга дарак бераётган ўзбек кураши бу янги спортга бўлган қизиқиш ўта кучлидир. Маълумки, Африка «Уйқудаги гигант қитъа» ҳисобланади. Шунинг учун бу ҳудудда янги спорт турининг тез оммавийлашуви бироз қийин кечади. Лекин ўзбек кураши дзюдодан анча фарқли бўлиб, енгил усулларга бой, инсон саломатлигига зарарсиз, томошабинбоплиги боис бундай тўсиққа учраши кузатилмаяпти. Африкаликлар қувонч билан уни қарши олиб, жиддий машғулотлар ўташга тезда кўникмоқдалар. Шу ўринда, ўзбекистонлик кураш мутасаддиларидан илтимосим, бизнинг ўлкаларга борсқичма-борсқич риводланиб, яқин беш йилликда олимпия оиласи сафидан жой олади.

Эдгар Клауре (Боливия) — Тошкентга 1999 йил ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатига икки полвонимиз билан келган эдик. Ўзимни яна ушбу меҳмондўст халқ даврасида кўриб турганимдан бағоят хурсандман. Америка қитъасида хусусан, Боливия, Парагвай, Чили, Уругвай, Доминикан Республикаларида ўзбек кураши мухлислари сони кун сайин ортиб бормоқда. Биринчи жаҳон чемпионатида иштирок этган полвонларимиз ўз тажрибаларини бойитиб боргандан сўнг, кураш оммавийлашувида астойдил ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Дзюдо билан шуғулланувчи барча спортчилар ушбу спорт тури сир-синоатларини осонлик билан ўзлаштириб олиб, унга нисбатан меҳри ортиб боряпти. Декабр ойида Боливияда ўтказиладиган биринчи Пан Америка чемпионати қитъанинг кучли полвонларининг қизғин беллашувига бой бўлишига аминман. Дунё халқларининг севимли спортига айланиб бораётган ўзбек кураши Олимпиада ўйинларига сафидан жой олишида бор кучимни аямайман.

Халқаро кураш Ассоциациясининг бошқа вице-президентлари ҳамда аъзолари, 30 дан ошиқ мамлакат кураш федерациялари президентлари ва кузатув кенгаши иштирокидаги анжуман янги асрда ўзбек курашини бутун дунёда оламшумул тарзда ривожи учун муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

«Туркистон-пресс».

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.55

Буюртма Г— 1124. 1 2 3 4 5 6